


Қуръонга оид савол-жавоблар (еттинчи мақола)



09:23 / 09.01.2023 2162

7-савол: «Нима учун Қуръони Карим муслима аёлнинг ғайридинга никоҳланишини ҳаром қилди?»

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Алҳамдулиллаҳ васоллаллоҳу васаллама ва барока аъла Расулиллаҳ ва ала алиҳи ва асҳабиҳи ажмаъийн.

Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи таъала ва барокатуҳ.

Баъзилар шундай савол беради: «Нима учун Қуръони Карим мусулмон эркакка аҳли китоб аёлни никоҳига олишга рухсат берди-ю, муслима аёлнинг ғайридинга никоҳланишини ҳаром қилди?»

Қуръони Карим мусулмон эркакка аҳли китоб аёлни никоҳига олишга рухсат беришининг сабаби шуки, мусулмон эркак Мусо алайҳиссаломга ва у зотга нозил қилинган асл Тавротга, Ийсо алайҳиссаломга ва у зотга нозил қилинган асл Инжилга иймон келтиргандир. Аммо насроний ва яҳудий кимса Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у зотга нозил



«Бас, мўминаликларини билсангиз, уларни кофирларга қайтариб юборманг. Бу(аёл)лар уларга ҳалол эмас ва улар ҳам буларга ҳалол бўлмаслар» (Мумтаҳана сураси, 10-оят) деб марҳамат қилган.

Бу оятда муслиманинг мусулмон бўлмаган эркакка турмушга чиқиши ҳалол эмаслиги, балки ҳаромлиги очиқ-ойдин баён қилинмоқда.

Агар бошқа дин вакили келиб, муслима қизга уйланмоқчи бўлса, унинг яқинлари ўша шахсга: «Агар Ислом динини қабул қилсанг, марҳамат, никоҳланишинг мумкин» десалар, у одам ушбу таклифни қабул қилиб: «Ашҳаду аллаа илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва Росулуҳу» деб, Ислом динига кирса, унинг муслима қизга уйланишида ҳеч қандай муаммо йўқ.

Чунки, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, Мусо ва Ийсо алайҳимассалом ва барча пайғамбарларнинг ҳақ пайғамбар эканликларига иймон келтирган киши мусулмон ҳисобланади. Сабаби, Ислом дини ҳар бир мусулмонга барча анбиё (Набийлар) ва мурсаллар (Расуллар)га иймон келтиришни фарз қилиб, уларнинг ораларини ажратмасликни буюрган. Гарчи Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламини энг юқори даражага кўтарган ва у зотни барча пайғамбарларнинг амири қилган бўлса-да, У Зот бизга пайғамбарларнинг ораларини ажратмасликка буюрган.

Ислом дини муслима аёлнинг бошқа дин вакилига турмушга чиқиш-чиқмаслиги ҳамда мусулмон эркакнинг бошқа дин вакиласига уйланиш-уйланмаслиги масаласини мана шу тарзда баён қилган.

Юқоридаги маълумотлардан, Ислом дини ақийдани ҳурмат қилиш таълимотини бутун дунёга ёйганини билиб оламиз.

Аллоҳ таолодан сизу бизга Қуръони Каримни фаҳмлатиб, Ўзининг Каломи
ила барчамизга манфаат беришини сўраймиз.

Валҳамду лиллаҳи Роббил ъаламийн.

Таржимон: Нозимжон Ҳошимжон

Муҳаррир: Хуршид Маъруф